

Дунёга муҳаббат



07:30 / 11.04.2019 2630

Абдурраҳмон ибн Зайд айтади: «Бир куни Абу Ҳозимга шундай дедим: «Мени бир нарса хафа қилади». «Эй биродаримнинг ўғли, нима экан у?» деб сўради Абу Ҳозим. «Дунёга муҳаббатим», деди. Абу Ҳозим шундай насиҳат қилди: «Эй биродаримнинг ўғли, бу – Аллоҳ менга севимли қилиб қўйган шундай ишки, унга қарши нафсимга танбеҳ бермайман. Чунки бу дунёни бизга Аллоҳ севимли қилиб қўйган. Лекин нафсимизга танбеҳ беришимиз керак бўлган бошқа жиҳат бор. Гап шундаки, дунёга муҳаббатимиз Аллоҳ ёмон кўрадиган бирор ишни ғафлатда қолишимизга олиб бормаслиги керак. Агар дунё муҳаббати бизни шу нарсаларга олиб бормаса, унда дунёни яхши кўришимиз бизга зарар етказмайди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан